



№4
2024



ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ
NÓKIS FILIALÍ

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI | ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА | BULLETIN OF MUSIC AND ART

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

ILIMIY - METODIKALÍQ JURNAL



**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ
BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR
MINISTRILIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT
MINISTRILIGI
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ
NÓKIS FILIALÍ**

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ
Ilimiy-metodikaliq jurnal

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI
Ilmiy-uslubiy jurnal

ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА
Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART
Scientific-methodical journal

№ 4/2024

SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali

Bas redaktor: – Allanbaev Rudakiy, professor

Juwaplı xatker: – Kamalova Difuza, *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori, docent.*

REDKOLLEGIYA AĞZALARI:

OZODBEK NAZARBEKOV – Ózbekstan Respublikası Mádeniyat ministri, professor;

AZIZBEK TURDIEV – Ózbekstan Respublikası Oliy Majlis Senatının jaslar, mádeniyat hám sport máseleleri komiteti baslıǵı orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

BEGIS TEMIRBAEV – Qaraqalpaqstan Respublikası Mádeniyat ministri, docent;

KAMOLIDDIN URINBAYEV – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası rektori, docent;

OMONILLA RIZAEV – kórkem ónertanıw ilimleriniń kandidati, professor;

HIKMAT RAJABOV – professor;

ORAZALI TOSHMATOV – professor;

BAXT AZIMOV – pedagogika ilimleri kandidati, docent,

MUHABBAT TOLAXOJAEVA – kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

MARFUA XAMIDOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

BOLTABOY SHODIYEV - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori;

OZODA TOSHMATOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

SAYYORA ĞAFUROVA – professor;

OYDIN ABDULLAEVA – professor;

IRODA MIRTALIPOVA – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

PARAXAT MAMUTOV – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

QURBANBAY JARIMBETOV – filologiya ilimleriniń doktori, professor;

ALIMA BERDIMURATOVA – filosofiya ilimleriniń doktori, professor;

ZIYADA BEKBERGENOVA – filologiya ilimleriniń doktori (DSc), professor;

ALIMA PIRNIYAZOVA – filologiya ilimleriniń doktori (DSc);

YUSUPOV QONÍSBAY – pedagogika ilimleriniń doktori (DSc), professor;

UTEBAEV TAJIBAY - pedagogika ilimleriniń doktori (DSc), professor;

SEYTKASIMOV DAULETNAZAR - pedagogika ilimleriniń doktori (DSc);

ARTÍQBAY EREJEPOV – pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

JAÑABAY MARZIYAEV – filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

Jurnal qaraqalpaq, ózbek, rus hám ingliz tillerinde jılına 2 márte basıladı. Jurnal Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administraciyası janındaǵı Málimleme hám ǵalaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen mámleketlik dizimnen ótkerilgen. №047569 4-oktyabr, 2022-jıl.

Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya Komissiyasınıń 2024-jıl 30-iyuldaǵı 358-sanlı qararı tiykarında jurnal 17.00.00-Kórkem ónertanıw ilimleri jónelisi boyınsha dissertaciya nátiyjelerin baspadan shıǵarıw ushın arnalǵan jetekshi ilimiy jurnallar qatarına kiritilgen.

Redaksiya mánzili: Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali Turan oypatı 29-jay.

E-mail: ozdknf@edu.uz, UZDK_Nukus@exat. Tel:551020540 Veb-sayt: <https://science.uzdknf.uz/>

ISSN-2181-4112

ТЕАТР ВА ЗАМОН

Ризаев О.

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti

Аннотация: Бу мақолада театр санъатнинг дастлабки ибтидоий кўринишлари эрамиздан аввалги бир неча минг йилликларга бориб тақалиши, археологик топилмалар, турли ёзма ва оғзаки манбалардаги маълумотлар ҳақида сўз этилади. Бироқ, инсон тафаккури ва истеъдодининг махсули бўлмиш бу ғаройиб санъат тури қанчалик қадим, гўзал ва аҳамиятли бўлмасин, гўёки ловуллаб ёнган шамдек бир лаҳзада лип этиб, йўқликларга сингиб кетади ва уни қайта кўрмайсиз. Шунинг учун бўлса керак, азал-азалдан бу сирли шуълага парвона кишилар ўз хайрат ва туйғуларини тошга, матога, қоғозга, хатто хайкал ва рўзғор буюмларига муҳрлаб қолдирганлар. Йиллар, асрлар, замонлар оша театр манзаралари шу зайл бизгача етиб келган.

Калт сўзлар: санъат, маданият, театр, сахна, асар, актёр, спектакль, томошабин.

Аннотация: В статье описаны первые примитивные формы театрального искусства, археологические находки, а также сведения из различных письменных и устных источников, датируемые несколькими тысячелетиями до нашей эры. Однако, каким бы старым, красивым и важным ни был этот замечательный вид искусства, являющийся продуктом человеческой мысли и таланта, он вмиг исчезнет, как горящая свеча, и вы больше его не увидите. Вероятно, поэтому люди, с незапамятных времен влюбленные в это загадочное место, запечатлели свое восхищение и чувства на камне, ткани, бумаге, даже скульптурах и предметах быта. Годы, века, времена дошли до нас театральные сцены.

Ключевые слова: искусство, культура, театр, сцена, произведение, актер, спектакль, зритель.

Abstract: The article describes the first primitive forms of theatrical art, archaeological finds, as well as information from various written and oral sources dating back to several millennia BC. However, no matter how old, beautiful and important this wonderful form of art is, which is the product of human thought and talent, it will instantly disappear, like a burning candle, and you will not see it again. This is probably why people, who have been in love with this mysterious place since time immemorial, have imprinted their admiration and feelings on stone, fabric, paper, even sculptures and household items. Over the years, centuries, times, theatrical scenes have come down to us.

Key words: art, culture, theater, stage, work, actor, performance, viewer.

Кириш. Ҳар қандай тарихий воқелик сингари театр санъати ҳам авваломбор давр махсули ҳисобланади. Шунга кўра ҳар бир давр ўз театрини яратади ва унда ўз аксини кўради. Бошқача айтганда, театр томошаларида маълум бир давр ва замонанинг такрорланмас манзаралари ўзига хос ғоявий-саҳнавий кўринишларда жонланиб, томошабинга таъсир ўтказади. Шу маънода, Давлатимиз раҳбарининг Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ҳақидаги эзгу ғояни дадил илгари суриши айнан бугун, биз яшаб, ижод қилиб келаётган давр руҳини рўйи-рост намоён қилади. Аслида, бутун жамият, жумладан, санъат аҳлининг ҳам фаолияти айнан шу буюк мақсад замирида белгиланиши, мақсадли йўналтирилиши ва шу орқали эзгуликка хизмат қилиши давр тақозосидир.

Асосий қисм: Президентимиз “Учинчи ренессанс” ғоясини бежизга илгари сурмаганлигини, бунга мамлакатимиз тарихида етарлича асослар борлигини ва буни дунё жамоатчилиги аллақочон тан олганлигини ҳар доим таъкидлаб келади. Жумладан, 2020 йил 1 октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида буни шундай изоҳлайди. “Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”.

Бу мулоҳазалар бевосита театр санъатига ҳам алоқадор эканлигини кўрамиз. Маълумотларга кўра мамлакатимиз сарҳадларида театр санъатининг дастлабки ибтидоий кўринишлари эрамиздан аввалги бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Археологик топилмалар, турли ёзма ва оғзаки манбалардаги маълумотлар бу гипотезаларни ҳақиқатга яқинлаштиради. Бироқ, инсон тафаккури ва истеъдодининг махсули бўлмиш бу ғаройиб санъат тури қанчалик қадим, гўзал ва аҳамиятли бўлмасин, гўёки ловуллаб ёнган шамдек бир лаҳзада лип этиб, йўқликларга сингиб кетади ва уни қайта кўрмайсиз. Шунинг учун бўлса керак, азал-азалдан бу сирли шуълага парвона кишилар ўз ҳайрат ва туйғуларини тошга, матога, қоғозга, хатто хайкал ва рўзғор буюмларига муҳрлаб қолдирганлар. Йиллар, асрлар, замонлар оша театр манзаралари шу зайл бизгача етиб келган. Бу манзара то росмана театршунослик илми бунёд бўлгунга қадар халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ва тасвирий санъат (Шарқда миниатюра санъати) намуналарида ҳам зоҳир бўлиб турган. Хусусан, Мир Алишер Навоий

хазратлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Форобий ва қатор мумтоз адибларимиз ижодида машшоғу хофизлар, дорбозу кўзбойлағичлар, қизиқчи-ю масҳарабоз, тақлидчи-ю кўғирчоқбоз ва бошқа хунар эгаларининг ижро маҳорати ва томошалари тасвирланган лавҳалар бисёр. Қадим замонлардан то шу кунгача бўлган салкам 3000 йилга яқин даврни қамраб олган ўзбек театри тарихига бағишланган йирик тадқиқотларда хаттоки баъзи каттакон мамлакатлар хали дунё харитасида йўқ бўлган даврлардаёқ, юртимизда жуда катта цивилизациянинг ёрқин намунаси бўлган томоша санъатининг ривожланганлиги илмий асослаб берилган.

Худди шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг бошқа соҳалар қатори театр санъатига маънавий ва маърифатни юксалтиришнинг қудратли воситаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келиши эътирофга лойиқдир. Сўнгги йилларда “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани, «Маънавий ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» ҳамда «Маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарорларининг қабул қилиниши ва бошқа Ҳукумат қарор ва фармойишлари, шунингдек, театр ижодкорларини ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши, театр биноларининг тизимли равишда реконструкция қилиниши, замонавий техник анжомлар билан таъминланаётганлиги ва бошқалар ана шу эътиборнинг амалий натижалари сифатида жамоатчилик томонидан эътироф этиб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавий ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида театр соҳасини янада ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар соҳани янада ривожлантириш, театрларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёшларда театр санъатига бўлган қизиқишни кучайтиришга қаратилган яна бир муҳим қадам бўлди. Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига Театр санъатини ривожлантириш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш вазифаси топширилди.

Дастурда тарихий ва замонавий мавзулар бўйича энг яхши пьеса учун ижодий буюртма бериш, драматургларга 50 миллион сўмдан қалам ҳақи тўлаш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг ривожланган давлатлар театрларида маҳорат оширишини йўлга қўйиш ҳамда ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофотни таъсис этиш назарда тутилади.

Маълумки, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон театрлари жамоаларига ҳам эътибор кучайди. Масалан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат

муסיкали театрига “академик” мақоми берилди, Қорақалпоқ давлат Ёш томошабинлар театри ҳамда Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри жамоалари ҳар томонлама кулай, замонавий жиҳозланган, кўркем ва бежирим янги биноларга кўчиб ўтди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Ўзбекистон давлат Консерваториясининг Нукус филиалида таҳсил олган профессионал ёшлар ҳар йили театр жамоаларига келиб кўшилмоқда. Албатта булар жуда ижобий жараён.

Шу ўринда, буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар”, деган машҳур ибораси ёдимга тушди. Бугун, айти даврда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, театр санъатига, ижод аҳлига кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор, имконияту имтиёзларни кўриб, истасак-истамасак яқин ўтмишдаги, айти мустақиллигимиз арафасидаги ноҳуш манзаралар кўз олдимизга келади.

Хуллас, бошқарув ҳар томонлама издан чиққан, театрларда ижодий муҳит бузилиб, анъаналар йўқолган, пароканда аҳволга келиб қолган бир замонлар эди. Жамиятдаги саросималик театрлар репертуарида ҳам ўз аксини топа бошлади. Ўша давр кайфиятини ўзига тўлиқ сингдирган сиёсий - публицистик характердаги пьесалар бутун собиқ иттифоқ театрлари бўйлаб айланиб юрди. Газета, журнал, телевидение, театр, кино, хуллас, ҳамма жамиятни янгилаш билан овора бўлиб қолди. Саҳнадаги воқеалар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳатто саҳнавий кўринишлар ҳам бири-бирига ўхшаб кетарди, қаҳрамонлар нимадандир норози, ниманидир хоҳлайди, ниманидир кутади. Лекин, на драматургияда, на саҳнада бунинг бадиий ечими топилмади. Оқибатда театрларда парокандалик авжига чиқиб, жамоалар гуруҳ-гуруҳларга ажралиб кетган ҳолатлар юз берди. Натижада, бир нечта театр-студиялар пайдо бўлди. Асосан ташаббускор ёшлардан ташкил топган ушбу театр-студияларнинг спектакллари кўп жиҳатдан анъанавий театр усулларига таянган ҳолда саҳналаштирилган бўлиб, томошавийлиги, режиссура ва актёрлар ижросида янгиликка бўлган интилишлари билан томошабинлар эътиборига тушди. Лекин, моддий қўллаб-қувватланмаганлиги, бино ва реквизитларнинг ҳамда янги асарларнинг йўқлиги учун ҳам уларнинг кўпчилиги тарқаб кетди. Чиндан-да, драматургия ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолган, эски мафкурага ўралган репертуар яроқсиз бўлиб, янгиси эса хали бери ёзилавермади. Театршунослар, журналистлар зўр бериб театрларни, (адабиётни, кинони ҳам) танқид қила бошладилар, турли муҳокамалар, мунозаралар, давра суҳбатлари авжига чиқди. Лекин, ҳеч ким амалий ёрдам кўрсата олмади. Бундан безиган томошабин театрдан йироқлаша бошлади. Томошабини кайтариш учун театрларга зўрма-зўраки кулгили спектакллар кириб келди,

хатто бачкана, маънавий савияси паст асарлар пайдо қолди. Бироқ, бу уринишларнинг ҳеч бири томошабинни театрға қайтара олмади. Бир сўз билан айтганда, ўзбек профессионал театр санъатининг бирданига йўқ бўлиб кетиш хавфи кучайгандан кучайиб борди...

Бугун эса Президентимиз миллий уйғониш ҳақида, тараққиёт, юксалиш, Ренессанс ҳақида фикр юритяпти, барчани шу ғоялар замирида бирлашиб, буюк келажакни қуришга сафарбар қиляпти. Маданият, санъат, театр ҳақида қайғуряпти. Ҳатто, давлат органлари ва муассасаларида ҳар ойнинг бир кунини «Театр куни» деб эълон қилишни таклиф этиб, ходимларнинг театрларга боришини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқда. Айниқса, Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида раҳбар ходимларга қарата айтган қуйидаги сўзлари жуда таъсирли жаранглади:

“Агар ҳозир “Қани, охирги бир ойда қайси театрға бордингиз, қандай янги китоб ўқидингиз?” деб сўрасам, ўйлайманки, аксарият раҳбарлар хижолат бўлиб қолиши мумкин. Ҳолбуки, раҳбар-етакчилар ижтимоий дунёқараш, маданий савия бўйича бошқаларга ўрнак бўлишлари керак”.

Бу сўзлар, айтилган пайтда театр ижодкорларига ҳам катта масъулият юклайди, томошабинларнинг дунёқарашини, маънавиятини ва маданий савиясини оширишга хизмат қиладиган, уларга эстетик завқ-шавқ улашадиган, эзгу ишларга даъват қиладиган, замонга мос бадиий-баркамол сахна асарлари яратишга сафарбар қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда мамлакатимиздаги профессионал давлат театрларида ҳар йили турли жанр ва мавзуларда 150 га яқин янги сахна асарлари яратилади. Ҳар бир театр жамоаси йилиги камида тўрттадан янги спектакль тайёрлайди, бундан ташқари мамлакатимизнинг турли жойларида истиқомат қиладиган аҳолимиз орасида юзлаб бадиий кечалар, маънавий-маърифий учрашувлар уюштирилади. Лекин, афсуски ушбу қизғин ижодий жараён ва сахналарда ўйналадиган спектаклларнинг кўпчилиги ҳақида кенг жамоатчилик тўлиқ маълумотга эга эмас. Шу маънода, театр санъати оламида рўй бераётган жараёнлар, янгилик ва ўзгаришларни кенг томошабинлар оммасига етказиш ва уларнинг эътиборини жалб қилишда, оммавий-ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини эътироф этиш лозим.

Хулоса. Театр авваломбор кўпчилик санъат намояндаларининг ҳамкорликдаги ижод маҳсуллари намоён бўладиган маскан. Биргина сахна асарининг юзага келишида драматург, актёр, режиссёр, рассом, бастакор, балетмейстер, дирижёр, бутафор, грим, чироқ устасидан тортиб, яна бир қанча ижодкорларнинг меҳнати борлигини яхши биламиз. Зеро, мавжуд

шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда, янги давр - Учинчи ренессанс пойдеворини қуриш орзусида астойдил интилган фидойи замондошларимиз образлари акс этган оригинал сахна асарлари яратиш мақсадида бирлашиш, ҳамкорликда ижод қилиш - миллий театр санъатимизнинг янада ривожланиши ва тараққий этишининг энг муҳим, асосий омилларидан биридир.



MAZMUNÍ

MUZÍKATANÍW

1	Раджабова С.Р. СОВРЕМЕННОЕ ВОКАЛЬНОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ: СОЕДИНЕНИЕ ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ В АЦИОНАЛЬНОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ИСКУССТВЕ.....	3
2	Туйчиева Р.Х. СОНАТА ДЛЯ СКРИПКИ И ФОРТЕПИАНО ФАТТАХА НАЗАРОВА В КЛАССЕ КАМЕРНОГО АНСАМБЛЯ.....	12
3	Muxamedjanova Z. YOSH KOMPOZITORLAR IJODIDA KAMER-CHOLG‘U ASARLARINING IJROCHILIK TALQINI.....	17
4	Ражабова Н.Ф. ЛАДЫ НАРОДНОЙ МУЗЫКИ В КУРСЕ СОЛЬФЕДЖИО.....	26
5	Saidxonov A.S. IOGAN SEBASTYAN BAX OHANGLARDAN TARALAYOTGAN HAYOT.....	31
6	Muxamedjanova Z. B.TURSUNBOYEVNING FORTEPIANO UCHUN “SAVTI KALON SOQIYNOMASI” MAVZUSIGA VARIATSIYASI TAHLILI VA TALQIN MASALASI.....	36
7	Чаршемов Ж.А. ОРКЕСТР УЧУН КОНЦЕРТ ЖАНРИ ТАРИХИ.....	44
8	Kamalova G.M. JAMIL CHARHEMOVTIŇ “POPURRI” SHÍGARMASINIŇ ÓZGESHELIGI.....	52
9	Allaniyazov B.Q. «MUXAMMES» JANRINIŇ TEORIYALÍQ HÁM ÁMELIY MASHQALALARI.....	58
10	Мухамедзиянов К.Т. О ВОКАЛЬНОМ ЦИКЛЕ «РУБАЯТ» НОДИРА МАХАРОВА НА СЛОВА АЛИШЕРА НАВОИ.....	64

KÓRKEM ÓNER

11	Allanbaev R.O. MUZÍKALÍ SHÍGARMALARDIŇ QARAQALPAQ TEATRÍNDÁ TUTQAN ORNI.....	69
12	Djumaniyazov U.M. XALQ CHOLG‘ULARI ORKESTRIDA RUBOB PRIMANING O‘RNI.....	76
13	Áliev N.Ġ. QARAQALPAQ MUZIKA MÁDENIYATINDA DEMLI ÁSBAPLAR.....	81
14	Kamalova G., Dauletbaeva G. DUWTAR SAZ ÁSBABÍN ZAMANAGÓYLESTIRIWDIŇ ÁHMIYETI.....	89
15	Karimova N. O‘ZBEKISTONDA O‘TKAZILAYOTGAN XALQARO TIVALLARNING MADANIY ALOQALARDAGI ROLI (Xalqaro asal ivali misolida).....	95
16	Ризаев О. ТЕАТР ВА ЗАМОН.....	105
17	Shukurov A. MILLIY O‘ZLIKNI ANGLASHDA MILLIY MADANIYATNING AHAMIYATI.....	111

18	Хожаназаров Т. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ОПЕРА САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.....	117
19	Мамадалиев А. ЎЗБЕК МАДАНИЙ МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИДА ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ АНСАМБЛЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (чангчилар ансамблида Ф.Содиқовнинг “Хумор” асари мисолида)..	122
20	Назаров О. МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРДА ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУТАХАССИСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ (Абдувоҳид Мажидов фаолияти мисолида).....	129
21	Юлдашева М.Б. РОЛЬ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И КУЛЬТУРНОЙ ДИПЛОМАТИИ В ПРОДВИЖЕНИИ КУЛЬТУРЫ УЗБЕКИСТАНА.....	135

MUZÍKA PEDAGOGIKASÍ

22	Gulmanov I.Sh. DÁP ÁSBABÍN OQÍTÍW METODIKASÍ TARIYXÍ..	143
23	Iseev R. FORTEPIANO SABAGÍNDÁ SES GOZALLÍGÍ ÚSTINDE ISLEW PROCESI.....	154
24	Yusupaliyeva D.K. YANGI O‘ZBEKISTON YOSHLARI TARBIYASIDA MILLIY QADRIYAT: MONIYAT VA MAZMUN....	160
25	Азимов Б. ИЛМ ВА ТАЖРИБАДАГИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ (Васильев Феоктист Никифорович ижоди мисолида).....	168
26	Казакбаева М. РОЛЬ И РАЗВИТИИ ЦИФРОВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ В МУЗЫКАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ.....	175
27	Умарова В. РАБОТА НАД ПОЛИФОНИЧЕСКИМИ ПРОИЗВЕДЕНИЯМИ В КЛАССЕ «СПЕЦИАЛЬНОЕ ФОРТЕПИАНО».....	180

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

28	Тлеуниязова Г.Б. ЗАМОНАВИЙ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИДА ШЕЪР КОМПОЗИЦИЯСИ.....	186
29	Бекбергенова А.У. ПИСЬМЕННЫЙ ПАМЯТНИК «КИТАБИ ДЕДЕМ КОРКУТ» И ДАСТАН «ЕР ЗИЙУАР».....	196
30	Бекбергенова А.У. ҚАРАҚАЛПАҚ ОЧЕРКЛЕРИНИҢ РАЎАЖЛАНЫЎ ТЕНДЕНЦИЯЛАРЫ (1991-2000-жыллар).....	202

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER
XABARSHÍSÍ
Ilimiy-metodikaliq jurnal

“STATION X” baspası
Nókis-2024